
➤ Карантин ҳудудидан қочиб кетганлик учун қандай жазо бор?

△ Карантин даврида карантинни ўташ учун белгиланган жойларни карантин муддати тугамасдан ўзбошимчалик билан тарк этиш эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш ҳисобланади (<https://lex.uz/ru/docs/97664>).

□ Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш фуқароларга 4 млн 460 минг сўмдан 6 млн 690 минг сўмгача, мансабдор шахсларга эса 6 млн 690 минг сўмдан 11 млн 150 минг сўмгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

□ Агар эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш одамларнинг оммавий касалланиши ёки заҳарланиши реал хавфини келтириб чиқарса ёхуд одамларнинг оммавий касалланишига ёки заҳарланишига олиб келса:???? 11 млн 150 минг сўмдан 22 млн 300 минг сўмгача миқдорда жарима;???? 5 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;???? 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари;???? 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш;???? 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (<https://www.lex.uz/docs/111453>).

2020-04-08 19:30:07